

Янги Зеландияда йирик исломий марказ иш бошлайди



16:10 / 22.05.2019 1816

Марлборо шаҳрида қад ростлаши кутилаётган ушбу исломий марказ, аввало мусулмонларни тинч-хотиржам ибодат қилишларини таъминлашни ўз олдига мақсад қилган, дейди марказ ташкилотчилари. Бу ерда исломий билимлар бериш билан бир қаторда, вақтинча қўнимгоҳ вазифасини ҳам бажаради. IQNA нинг хабар беришича, минтақадаги мусулмонларнинг кўпчилигини муҳожирлар ташкил этмоқда. Улар шаҳарда истиқомат қилиш ёки бошқа жойга кўчмоқчи бўлсалар, вақтинча ушбу марказда қўним топишлари мумкин. Ташкилотчилар марказ фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш учун шифокор ва ўқитувчи каби мутахассис мусулмонларни ишга таклиф этмоқдалар.